

## ТОВЛАМАЧИЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК

Холназаров Йигитали Ҳамидович

**Аннотация:** *Мақолада муаллиф товламачилик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифини таҳлил қилиб, ушбу жиноятнинг элементлари, зарурий белгиларини ўрганган ҳолда таҳлил қилган. Шу билан бирга товламачилик жинояти учун жиноий жавобгарликнинг хусусиятлари, ушбу жиноятлар бўйича жазо тайинлаш масаласи ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан мисолларни таҳлил қилган.*

**Таянч сўзлар:** *товламачилик, жиноятни малакалаш, жиноятнинг элементлари, жиноят учун жазо, жазо тайинлаш.*

## УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ВЫМОГАТЕЛЬСТВО

**Абстрактный:** *В статье автор проанализировал уголовно-правовую характеристику преступления вымогательства, исследовав элементы и необходимые признаки этого преступления. При этом он проанализировал особенности уголовной ответственности за преступление вымогательства, вопросы назначения наказаний за эти преступления, примеры из правоприменительной практики.*

**Ключевые слова:** *вымогательство, квалификация преступления, состав преступления, наказание за преступление, назначение наказания.*

## CRIMINAL LIABILITY FOR EXTORTION

**Abstract:** *In the article, the author analyzed the criminal-legal description of the crime of extortion, studying the elements and necessary signs of this crime. At the same time, he analyzed the features of criminal responsibility for the crime of extortion, the issue of sentencing for these crimes, and examples from law enforcement practice.*

**Key words:** *extortion, qualification of the crime, elements of the crime, punishment for the crime, sentencing.*

Товламачиликнинг бевосита асосий объекти талон-тороғ қилинаётган мол-мулкни тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита қўшимча объекти товламачилик натижасида



тажовуз қаратилган жабрланувчининг қонун билан кўриқланадиган шахсий ҳуқуқлари ҳисобланади.

Товламачиликнинг кўшимча объекти айбдор томонидан қўлланиладиган руҳий зўрликнинг характери билан тавсифланади. Масалан, зўрлик ишлатишда қўлланиладиган таҳдидда фуқаронинг соғлиғини таъминлашга қаратилган, жабрланувчининг сир сақланишини хоҳлайдиган шахсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қимматини таҳқирлайдиган маълумотларни ошқор этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар намоён бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисмига мувофиқ, товламачилик предметлари куйидагилар:

мол-мулк;

мол-мулкка бўлган ҳуқуқ (шартнома, товламачининг ёки бошқа шахснинг қарзи борлигини тасдиқловчи тилхат ёки бошқа ҳужжат ёхуд муайян мулкӣ ҳуқуқлар товламачига ёки бошқа шахсга ўтишига асос бўладиган бошқа ҳужжат);

Жиноят кодексининг 165-моддасига кўра, Товламачилик, яъни жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошқор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкӣ ҳуқуқни топширишни, мулкӣ манфаатлар беришни ёхуд мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш -уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) кўп миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ўринда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан мисол келтирсак: фуқаро Сухайл Мирвосиев (исм шарифлар ўзгартирилган) 2022 йил май ойларида



жабрланувчи Ойбегим Юнусовага сир сақланиши лозим бўлган маълумотлар, яъни жинсий алоқада бўлган ҳолатларни видеотасвирга тушириб олгани, уни тарқатиб юбориши ва оила-аъзоларига ошкор қилишини айтиб қўрқитиб, ундан 10.000 АҚШ доллари беришини талаб қилиб, уни ўз мулкани беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб, 2023 йилнинг апрель ойларида ундан 5.000. АҚШ доллари миқдоридаги пулни олган вақтда тезкор хизмат вакиллари томонидан ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасига мувофиқ, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишдан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмади.

Айбланувчи Сухайл Мирвосиевнинг содир этган жиноятининг объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хил бўлиб, унинг жиноий ҳаракати умумий, ягона қасд билан қамраб олинган ва унинг содир этган товламачилик жинояти давомли ҳарактерга эга бўлган жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши, 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ушбу ҳолатда суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, ишдаги далилларни ҳар томонлама тўла текшириб, муҳокама қилиб, қонун санкциясида кўрсатилган жазони тайинлаган. Айтиш жоизки, товламачилик билан боғлиқ ишларда жазо тайинлашда албатта тарафларнинг музокара сўзларини тинглаган ҳолда, ишдаги барча жиҳатларни ҳисобга олиб жазо тайинлайди. Зеро, адолатли жазо жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.  
<https://lex.uz/acts/20596>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т., 2009. – Б. 199.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. –Т., 2002. – Б. 47.
5. Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 171.
6. М.Х. Рустамбаев Жиноят ҳуқуқи: Махсус қисм.. Т.: ТДЮИ, 2006. –Б. 42.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // URL:  
<https://www.lex.uz/docs/111460#253838>
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори.

